

**АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙНИНГ “АН-НАВОЗИЛ ФИЛ-ФУРУЪ” АСАРИ  
ИЛК ФАТВОЛАР ТЎПЛАМИ СИФАТИДА**

**Бекмирзаев Илхомжон Исроилжонович**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*“Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ” кафедраси профессори,  
тарих фанлари доктори*

**Исматуллаев Исломбек Ахмедович**

*“Исломишунослик ва ислом цивилизациясини  
ўрганиш ISESCO” кафедраси магистранти*

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандийнинг “Ан-Навозил фил-фуруъ” асари ҳанафий мазҳабидаги машҳур фикҳий асарлардан бири бўлиб, ўз давридаги олимлар ва фақиҳларнинг эътиборини тортган фикҳий асар ҳисобланади. Унда фикҳий масалаларга ҳанафий мазҳаби доирасида ҳукм чиқарилган. Олим асарини китоб, боб, фасл, мавзу, масоил каби тартибда тузган. Асар “Китобу-т-таҳорат” (Поклик китоби) билан бошланган ва ислом шариатининг намоз, никоҳ, талок, закот, мерос, кози ва масжид ходимларининг одоби каби масалалар батафсил ёритиб берилган.

Аллома китобини ҳамду сано билан бошлаб, фикҳ илмини аҳамияти ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни “Аллоҳ қайси бандасига яхшиликни хоҳласа, уни динда фақиҳ қилиб қўяди” деган ҳадисларини келтириб ўтади.

Шундан сўнг фикҳ сўзининг луғавий ва истъёлоҳий маъноларини Қуръон ва суннатдан далиллар келтириш орқали изоҳлаб беради. Кейин фикҳ илмининг асосий манбалари ҳисобланган Қуръон, суннат ва ижмоъ ҳақида айтиб ўтади.

Кейин фикҳни биринчи бўлиб ёзган инсон Абу Ҳанифа ҳақларида алоҳида тўхталиб ўтади:

Абу Ҳанифа (р.а.) жуда илмли, тақводор инсон эди. У кишининг дарсларида жуда кўп ўз асрининг забардаст мужтаҳид уламолари тўпланарди. Хатиб Бағдодий ўзларининг “Тарих” асарларида қуйидаги ҳикояни келтириб ўтади: “Биз Вакиъ ибн Жарроҳнинг ҳузурда эдик, шунда бир киши келиб, Абу Ҳанифа бир масалада хато қилди, деб айтди. Шунда Вакиъ: “Абу Ҳанифа қаердаку, хато қилиш қаерда? Ахир уни олдида Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар, Яҳё ибн Зоида, Ҳафс ибн Ғиёс, Ҳиббон ибн Миндал, Қосим ибн Маън, Довуд Тоъий, Фузайл ибн Иёзлар бор, шундай инсонлар билан бирга бўлган инсон хато ва адашишлардан узоқда бўлади”, деди”.

Имом Маккийнинг “Маноқиб” ларида шундай келтирилган: “Абу Ҳанифа бу шарият илмида биринчи китоб ёзган одамдир, ундан олди бирор одам бу ишни қилмаган. Чунки саҳобалар ва тобеъинлар тартибланган алоҳида китоблар ёзмадилар, улар асосан фаҳмларини қувватига суянардилар, қалблари гўё илмларининг сандиқлари эди. Абу Ҳанифа (р.а.) улардан кейин ўсиб, катта бўлди ва илмларни

тарқалиб кетганини кўрди, шундан сўнг бу илмларни йўқолиб кетишидан кўрқиб, бу илмлар борасида тартибланган китобларни ёзди”.

Абу Ҳанифа бу умматга исломий фикҳни мустақил фан сифатида олиб чиқди ва фикҳий масалалардан 50 мингга яқинини жамлади. Шунинг учун Имом Шофеъий у зот ҳақларида: “Фикҳда ҳамма Абу Ҳанифага мухтождир”, деган машҳур гапларини айтганлар.

Ҳанафий фикҳи барпо қилинганидан кейин, Мадинада Имом Моликни фикҳлари пайдо бўлди. Имом Молик ўзларининг машҳур “Муватто” асарларини фикҳий тартибга кўра ёзганлар. Бу икки имомнинг фикҳларидан кейин Имом Шофеъий ва Имом Аҳмадларнинг фикҳлари шаклланди. Натижада барча шаҳарлардаги мусулмонлар шу тўрттала имомнинг мазҳабларига эргашишди. Кейин аҳли сунна вал жамоа уламолари ҳар бир мусулмон ушбу фақиҳлардан бирини ўзига имом қилиб, унинг фикҳига амал қилиши лозим эканлигига иттифоқ қилишди. Ҳақ гап шуки бу буюк имомларга эргашишлик Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига эргашишдир, чунки улар ҳукмларни чиқаришда ва уларни ечишда Аллоҳнинг китоби, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига эргашган-ларини очиқ ойдин баён қилишган.

Бир куни мўминларнинг амири Абу Жаъфар Мансур Абу Ҳанифага мактуб ёзади: “Менга етиб келишича, сиз қиёсни ҳадисдан олдинга кўяркансиз?”. Шунда Абу Ҳанифа унга: “Иш сиз айтганингиздек эмас эй мўминларнинг амири!. Мен авваламбор Аллоҳнинг китобига, кейин Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларига, кейин Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг сўзларига, кейин бошқа саҳобаларнинг сўзларига, шундан сўнг қиёс қиламан”, деб жавоб ёзадилар.

Абу Ҳанифанинг ҳадисни қиёсдан устун қўйишларига қуйидаги воқеа ёрқин мисол бўлади:

Бир куни Абу Ҳанифа Мадинада биринчи марта Муҳаммад Боқир (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларидан) билан учрашиб қоладилар ва ўрталарида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтади. Муҳаммад Боқир Абу Ҳанифага: “Сиз бобомнинг динини ва ҳадисларини қиёс билан ўзгартирибсиз”. Абу Ҳанифа: “ Аллоҳ асрасин! Асло бундай эмас. Ман сиздан 3 нарса ҳақида сўрайман, сиз манга жавоб беринг. Эркак киши заифми ёки аёл киши заифроқми?”. Муҳаммад Боқир: “ Аёл киши заифроқ”. Абу Ҳанифа: “Аёл киши учун меросда қанча ҳисса берилади?”. Муҳаммад Боқир: “Эркак кишига икки ҳисса, аёл кишига бир ҳисса берилади”. Абу Ҳанифа: “Бу бобонгизнинг сўзлари! Агар ман бобонгизнинг динини ўзгартирганимда эди, қиёсга кўра эркак кишига бир ҳисса, аёл кишига икки ҳисса бўлиши лозим бўларди, чунки аёл киши заифроқдир”. Кейин иккинчи саволни берадилар: “Намоз афзалми ёки рўзами?”. Муҳаммад Боқир: “Намоз дедилар”. Абу Ҳанифа: “Бу бобонгизнинг сўзлари! Агар ман бобонгизнинг динини ўзгартирганимда эди, қиёсга кўра аёл киши ҳайзидан пок бўлса, намозни қазо қилишлиги, рўзани эса қазо қилмаслиги лозим бўларди”. Кейин учинчи саволни берадилар: “Бавл(сийдик) најосатроқми ёки нутфами?”. Муҳаммад Боқир:

“Бавл(сийдик) нажосатроқ”. Абу Ҳанифа: “Бу бобонгизнинг сўзлари! Агар ман бобонгизнинг динини ўзгартирганимда эди, қиёсга кўра бавл(сийдик)дан ғул қилмоқликка, нутфадан эса таҳорат қилмоқликка буюрган бўлардим, лекин бобонгизни динини қиёс билан ўзгартиришимдан Аллоҳ асрасин!”. Шунда Муҳаммад Боқир хурсанд бўлиб ўрниларидан турдилар ва Абу Ҳанифага ҳурматларини изҳор қилиб, кучоқлаб қўйдилар.

Шундан сўнг ҳанафий мазҳабида ишлатиладиган машҳур истеълоҳлар келтирилади:

*Зоҳиру-р-ривоя:* Кўпинча бу истеълоҳ билан Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасанларнинг сўзлари назарда тутилади;

*Имом:* Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит;

*Шайхон:* Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф;

*Тарафан:* Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан;

*Саний:* Абу Юсуф;

*Салис:* Муҳаммад ибн Ҳасан;

*Лафз уники:* Абу Ҳанифа;

*Лафз иккаласиники ёки иккаласини наздида ёки иккаласини мазҳаби:* Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан;

*Асҳобларимиз:* Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан;

*Машойихлар:* Абу Ҳанифани кўрмаган уламолар;

*Қатъий фатво:* Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасанларнинг иттифоқ қилган масалалар. Агар имомлар ўртасида бирор масалада ихтилоф бўлса, кўпроқ асосан Абу Ҳанифани сўзларига фатво берилади, хусусан ибодат масалаларида, заруратан иккала шогирдларини сўзларига фатво берилади. Абу Юсуф қозиларнинг қозиси бўлганлари учун маҳкама, қозилик, гувоҳлик масалаларида тажрибалари кўплиги туфайли у кишининг сўзларига кўпинча фатво берилади. Маҳрамларга боғлиқ масалаларда кўпроқ Муҳаммад ибн Ҳасаннинг сўзларига фатво берилади;

Абу Лайс Самарқандий ушбу асарининг бошқа фикҳий асарлардан фарқли жиҳати шундаки, унда аксарият фикҳий асарларда учрамайдиган масалалар алоҳида китоб, боб ҳолида келтирилган, жумладан “Қозилар одоби”, “Экин экиш ва суғориш” ва “Ўлик ерларни тирилтириш” ва шу каби масалалар алоҳида китоб ҳолида ёзилган. Асарда шофеъий, моликий ва ханбалий мазҳабларининг қарашлари ҳам қиёсий келтириб ўтилган. Бундан ташқари бу асарда масалалар тушунарли ҳамда қисқа(чўзиб юборилмаган ҳолатда) ҳар қандай ўқувчи мурожаат қила оладиган даражада содда қилиб тартиблаб берилган.

Аллома бу асарида муайян масалани батафсил ўрганиб, унинг ечимини топиб, унга фатво беришга ҳаракат қилган.

Абу Лайс Самарқандий “Ан-Навозил фил-фуруъ” асарида масалалар ечими ва уларга фатво беришда қуйидаги манбаларга суянган:

1.Қуръони карим оятлари;

2.Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) нинг ҳадиси шарифлари;

3.Мазҳаб асосчилари бўлган Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофъий, Имом Моликларнинг ижтиҳодлари;

4.Ҳанафий мазҳаби мужтаҳид олимларининг сўзлари;

5.Ўзининг асарларидан олинган иқтибослар ва фатволар;

Аллома асарда, Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (р.а.), Имом Абу Юсуф (р.а.), Имом Мухаммад Шайбоний (р.а.)ларнинг ижтиҳодлари ва уларнинг фикҳий масалаларда чиқарган фатволарига асосий эътиборини қаратган.

“Ан-Навозил фил-фуруъ” асари ўзининг илмий услуби билан фикҳ илмига оид бошқа асарлардан ажралиб туради. Аллома илмий, маънавий, диний салоҳиятини юксаклиги, ислом илмларини чуқур билиши, фикҳ илмини пухта эгаллаганлиги ва масалаларни инсонларга осон ҳолда тушунтирганлиги асарнинг илмий доираларда кенг шуҳрат топишига асос бўлиб хизмат қилган.

Асар биринчи марта 2004 йил Байрутда “Дорул-кутуб ал-илмия” нашриётида Саййид Юсуф Аҳмад тадқиқоти билан чоп этилган. Ундаги маълумотга кўра тадқиқот иши Қоҳирада 2002 йил 25 декабрда (1423 ҳижрий йил 21 шаввол)да чоршанба куни ниҳоясига етган. Олимнинг ёзишича, “Ан-Навозил фил-фуруъ” китобининг таҳлили куйидаги услубда амалга оширилган:

1. Саҳиҳ ҳадис китобларидан фикҳий масалаларга мос келадиган ҳадисларни келтириш;

2. Масаланинг ҳукмига оид зикр қилинган ҳадислардан сўнг Имом Термизийнинг унга шарҳи ва ҳукмини келтириш;

3. Имом Нававийнинг “Шарҳу Саҳиҳи Муслим”даги шарҳларини келтириш;

4.“Китабул-фикҳ алаъ мазаҳибул арбаъ” китобидаги мужтаҳид имомларнинг фикрларини келтириш;

5. Абул Қосим Самарқандийнинг “Ал-Мултақит фил-фатава ал-ҳанафийя” китобидан маълумот олиш;

6. Китобда келган ҳадисларни таҳриж қилиш;

7.Асарда номлари тилган олинган баъзи шахсларнинг таржимаи ҳолларини келтириш;

Нашрда асарнинг Қоҳирадаги қўлёзмасидан биринчи, иккинчи ва охириги бетларининг нусхаси берилган<sup>28</sup>.

<sup>28</sup> Абу-л-Лайс Самарқандий. «Уюн ал-Масаил». Саййид Мухаммад Муханний таҳрири остида. – Байрут: Дорул-кутуб илмий, 1998.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;**

1. Абу-л-Лайс Самарқандий. «Уюн ал-Масаил». Саййид Муҳаммад Муҳанний таҳрири остида. – Байрут: Дорул-кутуб илмийя, 1998.
2. Абу Лайс Самарқандий. Хизонату-л-фикҳ ва Уюну-л-масоил. Икки жилдли / Салоҳиддин Ноҳий янги таҳрири остида. – Бағдод: Дор ал-қавмия, 2020. – 480 бет.
3. Абдуллаев И. Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар.–Т.: Фан, 1969.
4. Абдуллаев И. Файзуллаев О. Беруний ва унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар асари. – Т.: Фан, 1968.
5. Абдуллаев А. Абу Мансур Мотуридий ва исломий эътиқод // Ўзбекистон мусулмонлари. –Т.: 1997. – № 1-4. –Б. 18-19.
6. Абдуллаев А. Абу-л-Лайс Самарқандий. // Имом Бухорий сабоқлари. – Т.: 2002. – № 1. – Б. 76-78.
7. Абдуллаев А. Абу-л-Лайс Самарқандий. // Буюк алломаларимиз. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.
8. Абдуллаев А. «Абу-л-Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиру-нослигида тутган ўрни». Тарих фанлари номзоди.. дис. Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
9. Абдуҳалимов Б.А. «Байт ал-хикма и научная деятельность среднеазиатских ученых в Багдаде» (IX-XI вв. Естественные науки). Тарих фанлари доктори.. дис. Автореф. Т.: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. 2001.